

ХИТОЙ ЭКОНОМИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ПЕКИН, 17 июнь. (ТАСС). Сяньхуа агентлигининг хабарига айтилишича, «Халқ Хитой» журналининг навбатдаги сонига Хитойдаги иқтисодий қўрилиш тўғрисида мақола босилган.

Мақолада айтилишича, биринчи беш йиллик планда белгиланган барча капитал маблағларнинг 88,9 проценти ишлабчилик ва саноатга йўналтирилган. Иккинчи беш йиллик планда ишлабчилик ва саноатга йўналтирилган маблағларнинг 90,9 проценти ишлабчилик ва саноатга йўналтирилган. Иккинчи беш йиллик планда ишлабчилик ва саноатга йўналтирилган маблағларнинг 90,9 проценти ишлабчилик ва саноатга йўналтирилган.

НЕРУНИНГ СССРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХИТОЙ ГАЗЕТАСИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ПЕКИН, 17 июнь. (ТАСС). «Дагунбао» газетаси Хиндустон Республикаси Бош вазири Нерунинг Совет Иттифоқида саҳат қилганлигини шарафлаб, совет халқи уни самимий қўлиб олаётганлигини кўрсатиб ўтмоқда.

Совет Иттифоқи ва Хиндустоннинг давлат тўзуми ва иқтисодий тўзуми турлича бўлишига қарамай, деб баъзи газеталар, ҳар иккала мамлакат халқлари халқаро кескинликни юмшатишга ва ялпи тинчликни сақлаб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Совет Иттифоқи ва Хиндустон давлат суверенитетини ва территориялар бутунлигини ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принципларида рўй қилиш асосида, тинч тўтув янаша асосида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Совет Иттифоқи ва Хиндустоннинг бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида байрат кўрсатқичликлари билан бир қаторда, деб баъзи газеталар, иккала мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини ва маданий алоқаларни тўхтовсиз ривожлантиришга, ҳужум қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принципларида рўй қилиш асосида, тинч тўтув янаша асосида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Совет Иттифоқи ва Хиндустон, деб баъзи газеталар «Дагунбао» газетаси, иккинчи буюк давлатлар, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг мустақиллигини ялпи тинчликни ҳимоя қилиш ишлари, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Бу аса факт совет ва халқ халқларининг истақлиқлиги ва асоси, баъзи бутун дунё халқларининг манфаатларига ҳам мос бўлиб туради.

АФҒОНИСТОН-ПОКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

БОБИД, 17 июнь. (ТАСС). Қобил радиосининг хабар беришига қараганда, Афғонистон илмий экономика министрининг вакили «Бахтар» агентлиги мухбири билан суҳбатда, Покистон ҳукумати Афғонистонга Покистон орқали ташқи кетирилган товарларни ҳали ҳам ўшаёқ туртиб, деб айтган. Кейинги вақтларда Покистон ҳукумати Афғонистонга қаратали транзит товарларнинг катта қисmini Равалпиндида (Покистонда) қайтариб юборган. Покистон ҳукумати бундай қарарни кўрсатганлиги сабабли, — деган Афғонистон вакили, — Афғонистон илмий экономика министри Афғонистонга қаратали транзит товарларни Покистондан ташқи олиб йўлатиш ҳамма ҳаракатлари ҳечбир натижа бермади.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ФРАНЦИЯ-АМЕРИКА ЗИДДИЯТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 июнь. (ТАСС). Ассошиэтед Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан билдириши: Вьетнам король хонадон кенгаши деб аталган кенгаш Бао Дайни давлат бошқариш функцияларини маҳрум этиб ва АҚШнинг одаки ва Жанубий Вьетнам бош вазирлиги бўлган Нго Динь Дьемдан «Вьетнам республикасининг биринчи муваффақият» лавозимини олишнинг сўрали. Аммо, хабарларга кўра, Нго Динь Дьем «Жанубий Вьетнам» республика деб эълон қилиш янада эмас.

Бао Дайнинг амалдан туширилиши Жанубий Вьетнамда Франция билан Америка ўртасидаги рақобат кескин тўқ олаётганлиги асос этирилади, деб ҳисобламоқдалар.

Гоада тинч йўл билан қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларидан ўч олиш

ДЕХЛИ, 17 июнь. (ТАСС). Хиндустон информатсия бюроси билдириши: Гоа қарбий трибунали тинч йўл билан қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларидан 12 киши 4—8 йил муддатга тюрма жазосига ҳукм қилиди. Булар шу йил 26 январда Гоада Португалия ма'мурияти томонидан қамолда қилинган эдилар. Қамолда қилинганлар орасида хотин-қизлардан уч киши бор. Ҳукм қилинганлар тюрма жазосини ўтаб била бирга турли муддатларга гражанийлик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилдилар.

ФРАНЦИЯ УМУМИЙ МЕХНАТ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ С'ЕЗДИ ЕПИЛДИ

ПАРИЖ, 18 июнь. (ТАСС). Кеча кечқурун Франция умумий меҳнат конфедерацияси 30-чи с'ездининг охириги мажлиси бўлиди. Умумий меҳнат конфедерацияси конфедерал бюросининг, илмий ма'мурий комиссиянинг ва молия контроли комиссиясининг илмий конфедерал комитет томонидан тавлиф этилган состави тасдиқланди. Конфедерал бюро составига қўйилганлар ўтин: бош секретарлар Бенуа Фрашон ва Ален де Леан, шунингдек секретарлари Марсель Кай, Матлена Келен, Жюль Доша, Жермена Гийе, Люсьен Жайя, Пьер де Бран, Леон Мова, Андре Мерло, Гастон Монмуссо, Анри Рейно ва Жан Шассер.

Ма'мурий комиссия 35 а'зо ва 9 кандидатдан иборат қилиб тасдиқланди. Молия контроли комиссияси 6 кишидан иборат қилиб сайланди.

Мажлисида Умумий меҳнат конфедерациясининг бош секретари Бенуа Фрашон охириги нутқини сўзлади. Бенуа Фрашон с'езд

ЮФХР ПРЕЗИДЕНТИ ИОСИП БРОЗ-ТИТО БЛАН БИРМА БОШ МИНИСТРИ У НУ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ

БЕЛГРАД, 17 июнь. (ТАСС). Бирма иттифоқи бош вазирлиги У НУ билан ЮФХР президенти Иосип Броз-Тито ўртасида Югославияда 6 — 16 июньда олиб бориладиган музокаралар тўғрисида газеталарда ахборот эълон қилинди.

Ахборотга, жумладан, бундай дейилади: «Ҳар иккала ҳукумат тўтув янаша сиёсатини тўза равишда амалга ошириш, барча халқаро масалаларни музокара ва битимлар йўли билан, заставалар билангина шийлашлар Ташкилотини орқали ва унинг мақсадлари ҳамда принципаларига мувофиқ ҳал қилиш ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик асосида тинч муносабатлар

ўрнатилган мақсадли бундан бундан ҳам бор куч-қувватларини сарфлашга қарор берганликлари тасдиқланди».

Ахборотга биноан, музокаралар вақтида иқтисодий ва маданий масалалар юзасидан бўлган ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилган.

Ҳар иккала ҳукумат иқтисодий ҳамкорлигини мустақамлаш ва, агар зарур бўлиб қолса, айрим иқтисодий масалалар юзасидан ўзаро мулоқатга мўлжалланган битимлар тузиш ҳақида бир фикрга келганлар.

ЮГОСЛАВИЯ ИТТИФОҚ ХАЛҚ СКУПШЧИНАСИ ЎЗ ИШINI ТАМОМЛАДИ

БЕЛГРАД, 17 июнь. (ТАСС). Югославия иттифоқ халқ скупшчиниси иттифоқ веча-сининг кечаги мажлисида обштиналар ва районлар ташкила этиш тўғрисидаги, фан доктори деган илмий даражани бериш тартибни қақилди, Югославия халқ армияси тўғрисидаги ва халқ муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Армия тўғрисидаги қонунда Югославия халқ армиясига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги, бу армиянинг шахсий состави ҳақидаги, қарбий унвонлар ва лавозимлар ҳақидаги, ҳарбий ва резерв составини тўздириб туриш ҳақидаги қисмлар ва бошқа қисмлар бор.

Бу қонунда армия сафини тўздириб туриш тартибни, қарбий унвонлар бериш тартибни ва бошқалар тўғрисида батафсил таърирланди.

Халқ муҳофазаси тўғрисидаги қонун музо-фаага таъйинланган даврда Югославия Федерал Халқ Республикасининг барча ма-жур одам кучи ва моддий кучларини уюш-тириш ҳамда сафарбар қилиш усуллари-ни белгилаб берилади, ҳамда мамлакатни музо-фаага таъйинланган масалалари билан шугулла-нуни давлат органлари, муассасалар, хўжа-лик ва жамоат ташкилотларининг бурчи-ларини белгилаб берилади.

Қонунлар қабул қилингандан кейин скупшчина ўз ишини тамомлади.

АРГЕНТИНАДАГИ ВОҚИЯЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 17 июнь. (ТАСС). Америка информатсия агентликлари Буэнос-Айресда президент Перон ҳукуматига қарши қў-рулган чиқишлар бўлаётганлиги тўғрисида-ги хабарларни тарқатмоқда. Ассошиэтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарига айтилишича, бирнеча қарбий самолёт ша-ҳар марказидаги ҳукумат резиденциясини бомбардировка қилган. Шаҳарда пулемёт ва миномёт отишмалари эшитилмоқда.

Нью-Йорк, 17 июнь. (ТАСС). Америка-даги бирнеча газеталарнинг ёзишича, Перон ҳукуматига қарши исён католик черковига қўйилган ба'зибир таъдирлар ҳукумат томонидан қўрилганлиги қарши кенг миқёсда бўлаётган норозиликнинг натижаси эмас.

Шу заҳабларнинг, ҳукуматнинг исён-чи бостирилганлидан норози эканликлари сезилиб турибди.

Нью-Йоркда чиқадиган «Лейл ньюс» газетаси дў қилиб баган мақолада, исён бостирилгандан кейин Пероннинг аҳво-ли исёнчилар олдигага қараганда яхшироқ бўлиши ва у шунга қараганда бунганага қараганда ҳам янада кўпроқ қийинчиликлар-ни енгишига мажбур бўлади, деб оғоҳла-тирмоқда. Газета Перонга қўпол равишда ҳужум қилиб, унга нега ялғари «арзаша бе-рилмади» деб ўзининг «таажубланганлиги-ни» билдирмоқда.

АҚШДА ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 июнь. (ТАСС). Америка-даги «Генерал моторс» компаниясини авто-мобил заводлари ишчилари, авиация ва автомобиль саноат ишчилари бирлашган қасаба соҳиб раҳбарларининг шу компания билан тузган шартнома шартларидан норози бўлиб забастовка бошлаган эдилар. Маъбуот қиларлига қараганда, бу забастовка ҳали ҳам давом қилмоқда.

«Уолл-стрит журнал» газетасининг хаба-рида айтилишича, шу компаниянинг 7

штатдаги 18 та заводи ишчилари забас-товка қилмоқда.

Ишчилар ишхонани ошириш ва иш шартини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Ассошиэтед Пресс агентлигининг хаба-рига айтилишича, АҚШнинг шарқий қир-ғондаги портларда деңизчилар забастов-каси бошланган. Забастовкачилар ишхона-ни оширишни талаб қилмоқдалар. Агент-лигининг айтишича, бу забастовка натижа-сида АҚШ савдо флотини кемаларининг ар-миси ишламай қоллиши мумкин.

АҚШ БЛАН ЛАОС ЎРТАСИДА ҲАРБИЙ «ЕРДАМ» ТЎҒРИСИДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 17 июнь. (ТАСС). Ассоши-этед Пресс агентлиги мухбирининг Ва-шингтондан берган хабарига айтилишича, АҚШ ЛАОСга армияни кучайтириш мақса-дида «ердам» кўрсатиш тўғрисида ЛАОС жо-роль ҳукумати билан битим тузишга тайёр-ланмоқда.

Мухбирнинг айтишича, Америка пулги

ташкил этилаётган янги қўшинлар Жан-ва битимига мувофиқ мамлакатнинг шимо-лида қўшинлар қайта таъкил этилиш учун мўлжалланган районда турган Па-тет-ЛАОС халқ қўроқли қўчалари қарши уруш ҳаракатлари олиб бориш учун мў-лжалланганлигини Вашингтонда ошқора айтимоқдалар.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА АХВОЛ

ПАРИЖ, 17 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан берган хабарига айтилишича, Канто билан Жант Кенуи ўртасида, Басак лар'ёсининг қўрилиш қирғонига Кохинхеннинг қарбий қисмида жойлашган Тхот-Нот районига Нго Динь Дьем ҳукумати қўшинлари билан

қўзғолончи «Хоа-Хо» мазаҳиб раҳбари Бакут қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлмоқда. Бакут қўшинлари Тхот-Нотдаги қарбий лагерини миномет-лардан ўққа тутганларидан кейин бу жанглар бошланиб кетган.

Тошкентда



Тельман номи маданият ва истироҳат боғида шаҳар пионерлар лагери ташкил этилди. Шаҳар мактабларининг 200 дан ортиқ ўқувчи пионер лагерининг спорт ва ўйин майдонларида хушчақчақ дам олиб, турли адабий китоблар ўқимолдар ва экскурсияларга чиқаётдилар. Суратда: (чапдан) 1. Пионерлар ўқиш залида. 2. Горький Олег Абдулаев собор учун гора қалмоқда.

АКТИВ ЖАМОАТЧИ ВА МОҲИР САВДО ХОДИМИ

Рихси Маматова савдо-ошпазлик мактабининг мактоби қозони билан та-момлағач, у ўқиб юрган пайларига практика ўтказган Тошкент уни-вермаги дирекциясининг иттимосига мувофиқ, шу ерда қолдирилди. Хо-зир унинг бу ерда мустақил иш бошлаганига беш йил бўли. Рихси ўтган йиллар ичда ҳартомонлама ўси, ўз касбининг севиши ва қобилиятлигини билан коллек-тив ўртасида ҳурмат қозон-ди.

— Мен, — дейди Рихси Маматова биз билан суҳбатда, — дастлаб, тўрт ой мойбайнида универмагининг «Детский мир» секциясига шогирд бўлиб иш-ладим. Сўнгра мустақил иш-лашга кўчирдилар — тўқма-чиллик моллари билан савдо қи-лишга ўтдим. Ҳечқача бундай иш билан шугуллашганимга бу-самда, дастлабки қунларда-ноқ янги вазифага муваб-бат қўйдим. Матолар қилма-хил гул ва шакллари ранг-баранг.

Рихси подкаларига ҳамма то-варларни ҳаридорга кўрсатиш-га ҳаракат қилди. Харидор-ларга қайишлагани материал мувофиқ экани ҳақида маслаҳатлар беришга интилади.

— Жуза нафис мато, — дейди у баланд бўйли қотма аёл фикрини таъкидлаб, — буюк сизга мана бу мато янада яхшироқ ўтирилади, унинг гули узунлигига эмас, балки қўндалангига солинган.

Рихсининг хаслаҳати ҳалиги аёлга ма'қул тушди.

— Бизга учун аса мана бу ма-тодан олинг, — маслаҳат беришда давом этиди Рихси, — йингирма са-тиметрча бўлса етади. Қўйлақ ра-тинга жуза мос тушад...

Рихси подкаларига қарши матолар тўпни харидорга кўрсатишдан эришмас ва албатта харид қили-ришга эришарди. У, ўзининг бундай меҳнатсеварлиги ва хушмуомала-лиги билан танили, товар обороти

планини ҳаммавафот 110—130 про-центга етказиб бақарди.

Сотуни Тоса Купшоренко ва бо-лалар учун тайёр қийимлар секция-ни мудирининг ўринбосари Наталья Горнова ўртоқлар Рихсига қомсомол сафига ўттиш учун рекомендац-ия бердилар. Район қомсомол комитет-дан қомсомоллик билетини олиб

ўси, ўз касбининг севиши ва қобилиятлигини билан коллек-тив ўртасида ҳурмат қозон-ди.



қайтганда, дугоналари уни қизгин табриқладилар, бундан ҳам яхшироқ ишлаганга да'ват этидилар.

Рихси Маматова ўз ҳамкасблари-нинг маслаҳатларига қат'ий амал қилиб, қомсомоллик бурчини шараф билан оқлаганга астойдил киришди ва тез орада актив жамоатчи сифатида ҳам танилиди. У шу қунларда уни-вермаг билан шараф қасаба соҳиб-кетининг секретари ва тўқимачилик матолари бўлими маҳаллий комите-тининг раисидир.

Энг яхши сотуни, қомсомол а'зо-си, учинчи марта меҳнат-кашлар депутатлари Марказий рай-он Советига депутат қилиб сайлан-ган Рихси Маматова ўз таърибаси-ни дугоналари билан ўртоқлашиб, уларнинг ҳам яхши натижаларга эришишларига ердан бермоқда.

Пойтахт ободонлаштирилмоқда

Тошкентнинг ободонлаштириш ишлари кенг қўламда олиб бориламоқда. Бу йил паҳаратга сквер майдончаларига мингал-янги даракт кўчатлари ва хилма-хил гул-лар ўтказилган эди. Ҳозир улар кўкариб, чиройли манзара бераётди. Шунингдек, шу қунларда шаҳардаги 2, 7, 4, 8-чи трамвай линияларини янги изли қилиш ишлари бошланиб кетди.

Ҳозир Бешёғоч, Қорсу ва Қомсомол май-донларини кенгайтириш ва бу майдон-ларга асфальт ётқизиш ишлари тугаллан-ди. Луначарский ва Куйбисев кўчаларига аса, асфальт ётқизиш учун тайёргарлик ишлари олиб бориламоқда.

Ешлар лекторийси

Тошкентдаги Горький номи маданият ва истироҳат паркда ешлар лекторийси очилди. Бу лекторийда ешлар учун табиий-илмий темаларда қизиқарли лекциялар ўт-казилади.

Йилда бу ерда «Фан му'жизалари оқилиги билан тушунтириб берилади» деган темалда лекция ўқилиди. Лекция давомийа-тида ва физикадан турли хил таъриблар кўрсатилади. Бундан ташқари, «Ойга учини имкониятлари» тўғрисида ҳам го-ят қизиқарли лекция ўтказилиди. Шунинг сингари муҳим ва қизиқ темаларда лекция-ларнинг уюштирилганлиги шаҳар ёш-ларини лекторийга актив равишда жалб қилаётди.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VI да Шамислар, 21/VI да Оғриқ тишлар.

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VI да кундуз Ромео ва Жулетта, кечқурун Эсмеральда. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мунофоти лауреати Галия Изаидова қатнашади. 21/VI да Чно-Чно-Сан.

НАВОНИ НОМЛИ (қийин) кундуз «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «РОДИНА», «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кеч соат 9 гача) — янги бадий фильм Хайрли эрта.

НАВОНИ НОМЛИ (қийин) — кечқурун Байжу Вапра.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да Васса Железнова.

«ИСКРА» (қийин) — кеч соат 9 гача Хайрли эрта, кеч соат 9 дан Икки бойга бир қарол, Соанлар олдидан кино-журнал: Хиндустон Республикасининг Бош вазири Жаваҳарлал Нерунинг Москвага келиши.

«РОДИНА», «ЕШ ГВАРДИЯ» — мах-суе фильм: Хиндустон Республикаси-нинг Бош вазири Жаваҳарлал Неру-нинг Тошкентга келиши.

«ИСКРА» (ёғли), «ХИВА», ёғли НА-ВОНИ НОМЛИ. «УДАРНИК», КИРОВ номи — Хайрли эрта.

«ВАТАН» — Дайди (иккала серия).

ИЛМИЙ-ОММАВОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз Эртага ҳамма ерда рақс бўлади, кечқурун, Украин халқ сан'ати.

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрида

Тез қунда янги спектакль Фридрих Шиллер асари

ҚАРОҚЧИЛАР

4 парда, 10 кўринишли трагедия, Асқад Мухтор таржимаси. Саҳнага қўючи режиссёр — А. О. Гинзбург, режиссёр — К. Мажидов, расом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат ар-боби, Сталин мунофоти лауреати С. М. Миленин.

Коллектив бўлиб қўриш учун ҳозирдан заявқалар қабул қили-нади.

Ҳиндистон Республикаси

Бош вазири Жаваҳарлал

Нерунинг Ўзбекистонга

келишига бағишланган

киножурнал

Тошкент киностудияси республика ки-нотеатр экранларида кўрсатиш учун «Со-вет Ўзбекистони» деган махсус киножур-нал ишлаб чиқарди. Киножурнал Хиндистон Республикаси Бош вазири Жаваҳарлал Нерунинг Ўзбекистонга келишига бағиш-ланган.

Киножурналда Ўзбекистон Партия ва Ҳукумат раҳбарлари ҳамда пойтахт меҳна-кашларининг ҳини меҳмонларини аўр қў-ноқчилик билан қўлиб олганликлари тасви-рланади. Кўчаларни тўздириб турган меҳ-наткашлар, ўқувчилар, пионерлар Жаваҳар-лал Неру ва унинг ҳамроҳларини гуллар билан қўлиб олади.

Ҳамма жойда ҳини меҳмонларни сам-имий табриқлаган шаҳар меҳнаткашлари-га раҳмат билдириб Ж. Неру бундай дейди:

— ...Мени ҳамма жойда жуза дўстона ва го-ят самимий қўлиб олдилар. Бундан мен жуза мамнун бўлдим. Бугун буюрда сиз ҳам мени жуза дўстона ва самимий қўлиб олдингиз. Бунинг учун сизга раҳмат.

Киножурнал Ўзбекистон меҳнаткаш-ларининг ҳини халқига бўлган дўстлик ва муҳаббат туйғуларини асос этиради.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'луме-тига қараганда, бугун Тошкентда ва Тош-кент об-ҳаво бироз бузулганлиб тур-са ҳам ёғингарлик бўлмайд. Темпера-тура 33 — 36 даража иссиқ бўлади.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети депу-татларга ма'лум қилади, шу йил 20 июнь душанба кунин кеч соат 7 да шаҳар Советининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, 29-чи уй) «Тошкент ша-ҳар меҳнаткашларига меҳнатини хизматини яхшилашни уюштириш» деган темада лек-ция бўлади.

Лекцияни Тошкент шаҳар соғлиқли са-лаҳат бўлимининг мудир ўртоқ А. Ю. Шо-мпрэев ўқийди.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Редактор ўринбосари

М. ҚОРИЕВ.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

(Навоий кўчаси, 69-чи уй)

19 июньда

Ўзбекистон ССР халқ артисти